

81
R-21

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI OLIY
VA YRTA MAXSUS TAYLIM VAZIRLIGI
SAMARKAND DAVLAT UNIVERSITETI

М.А. КАДИРОВ

ШАҲАРЛАР ГЕОГРАФИЯСИ

Книга должна быть
возвращена не позже
указанного здесь срока

Количество предыдущих

выдач _____

--	--

М.А.КАДИРОВ

ШАХАРЛАР ГЕОГРАФИЯСИ
(Ўқув кўлланма)

Сардор

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
OLIV VA O'RTA MAXSUS TAILIM VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI
1-FILIALI

Самарканд-2019
ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
OLIV VA O'RTA MAXSUS TAILIM VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI

Масъул муҳаррир: А.Абдулқосимов – СамДУ ижтимоий-иқтисодий география кафедраси профессори, г.ф.д.

Тақризчилар: Т.Жумабоев – СамДУ ижтимоий-иқтисодий география кафедраси доценти, г.ф.д.

И.Нематов – СамДУ ижтимоий фанлар кафедраси доценти, ф.ф.н.

Ўқув кўламада шаҳарлар географияси фанининг предмети, объекти, вазифалари, тадқиқот усуллари, дунё шаҳарларининг пайдо бўлиши, уларнинг тарихий ривожланиш босқичлари, географик ўрин, урбанизация жараёни, шаҳарлар агломерацияси, шаҳарларнинг функционал типлари, классификацияси, глобал шаҳарлар, шаҳарларнинг глобал муаммолари ҳақидаги маълумотлар ёритилган.

Шунингдек, мамлакатимиздаги Зарафшон, Тошкент, Фарғона, Жанубий, Мирзачўл ва Кўли Амуларё иқтисодий районлари шаҳарларининг келиб чиқиши, бажарилган функциялари ва ривожланиши батафсил ўрганилган.

Ўқув кўламадан олий ўқув юрглари ўқитувчилари, докторантлар, магистрлар, бакалаврлар фойдаланиши мумкин.

ISBN – 978-9943-6427-3-7

Мундарижа

Кирриш	4
1. Шаҳарлар географиясининг предмети, объекти ва тадқиқот усуллари..	8
2. Шаҳарларнинг пайдо бўлиш тарихи	23
3. Шаҳар келиб қилиниш асосий омиллар	37
4. Шаҳарлар классификацияси	43
5. Шаҳарларнинг функциялари	47
6. Шаҳарларнинг ҳудудий тизимлари	56
7. Урбанизациянинг минтакавий хусусиятлари	63
8. Шаҳарсозлик ва шаҳарларнинг бош режаси	84
9. Ўзбекистон шаҳарлари географияси	88
10. Тошкент иқтисодий райони шаҳарлари	96
11. Фарғона минтақаси шаҳарлари	104
12. Мирзачўл иқтисодий райони шаҳарлари	115
13. Зарафшон минтақаси шаҳарлари	123
14. Жанубий иқтисодий район шаҳарлари	147
15. Кўли Амуларё райони шаҳарлари	157
Хулоса	167
Қўшимча	170
Ишониш	173
Фойдаланилган адабиётлар	268

**Ушбу ўқув кўланмани
назари бўзрукворим Аслам Кодировнинг
норлок хотирасига бағишлайман.**

Кириш

Давлатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегияси” нинг 4-бандида ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишларига катта эътибор қаратилган. Бунда аҳолининг бандлиги ва реал даромадларини босқичма-босқич ошириш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, уларни арзон турар-жойлар билан таъминлаш ва арзон уй-жойлар қуриш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш, аҳолининг ҳаёт шароитлари яхшилланишини таъминловчи йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфраструктурани ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш ва бошқа масалалар кўзда тутилган. Бу эса ўз навбатида ҳудудлардаги аҳоли пунктларини, жумладан шаҳарлар географиясини чуқур ўрганишни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикасининг сиёсий мустакилликка эришини ва унинг бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтishi, иқтисодий ва ижтимоий ўзгартиришлар бўлишини талаб этади. Бу борада шаҳарлар географиясида ҳам тегишли асосий тоя ва тушулчалар, қонуниятларни янги сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий нуктани назардан таҳлил этиш, ўтиш даврида ривожланган хорижий мамлакатларда ишлаб чиқарувчи қушларни ҳудудий ташкил қилиш ва уларни давлат томонидан тартибга солиб бориш соҳасида эришилган ижтимоий тажрибалардан самарали фойдаланиш амалий аҳамият касб этади.

Ижтимоий-иқтисодий географиянинг асосий тармоқларидан бири – шаҳарлар географияси ҳисобланади. Бирон бир ҳудуд, яъни мамлакат ёки вилоятни ижтимоий-иқтисодий, географик нуқтани назардан ўрганишда, унда жойлашган шаҳар ва шаҳарчалар,

уларнинг муҳудга келиши, тарихий тараққиёт босқичлари, географик ўрнини ўрганишдан бошланади. Шунингдек, аҳолиси сонининг ўсиши, ёши, жинсий ва миллий, диний ва ирқий тарқиб, аҳоли ва, урбанизация жараёни, халқ ҳўжаллиги соҳалари бўйича мақсад ресурсларининг тақсимланиши, шаҳарларнинг бажарадиган функциялари, шаҳарларнинг катта-кичиклигига кўра классификацияси, шаҳар агломерациялари, шаҳарсозлик индустриялари ҳам ўрганиш муҳимдир. Айниқса, фан-техника тармақини ва ахборот технологияси даврида ижтимоий-иқтисодий географиялар, глобал муоммаларнинг келиб чиқишида инсон фаолияти билан боғлиқ бўлган антропоген омиллар асосий ҳисобланади.

Ҳозирги замон ижтимоий-иқтисодий ва шаҳарлар географиясининг асосий вазифаларидан бири аҳоли ишлаб чиқариш фаолиятининг ҳудудий хусусиятлари, уларга таъсир этувчи ижтимоий-иқтисодий ва демографик омилларнинг таъсири, шаҳарларнинг кенгайиши ва ривожланиши, янги шаҳар аҳоли пунктларининг пайдо бўлишга сабабчи бўлган омилларнинг таъсири, мураккаб ҳудудий тизимларнинг шаклланиш қонуниятларини, шаҳарлар ва йирик шаҳарларнинг кўлайлиши ҳамда шаҳарлар муаммоларини ўрганишдан иборатдир. Шаҳарлар географияси дунё ва унинг алоҳида ҳудудларида шаҳарларнинг келиб чиқиши, ривожланиши ва мураккаб ҳудудий тизимларининг қонуниятлари ва Ўзбекистон Республикаси шаҳарларининг келиб чиқиши ва ривожланиши ҳақида билим беради.

Маълум ўқув кўланма нафақат географиялар, қолаверса бошқа фан вакилларида ҳам зарур илмий манба бўлиб хизмат қилади.

Шаҳарлар географияси ижтимоий-иқтисодий географиянинг энг муҳим тақсимот йўналишларидан ҳисобланади. Шаҳарлар географиясини чуқур илмий жиҳатдан ўрганиш маълум давлат ёки ҳудудини ижтимоий-иқтисодий нуқтани назардан таҳлил этиш, уларни шаҳарларининг жойлашувчи, уларнинг бажарадиган

функциялари, аҳоли сонининг ўсиб бориши, шаҳарларнинг кенгайиши ва ривожланиши, урбанизация жараёнларининг хусусиятлари, шаҳарларнинг географик ҳолати, шаҳарлар агломерациялари ва метрополисларини, шаҳарлар муаммоларини ўрганиш бўлуни кундаги долзарб масалалардандир. Зеро, шаҳарлар жамият ривожланишининг асосий сиёсий, маданий, ишлаб чиқариш, аҳоли зич ва кўп жойлашган марказидир.

Замонавий ижтимоий-иқтисодий географиянинг асосий вазифаларидан бири мураккаб худудий тизимларнинг шаклланиш конуниятларини, яъни шаҳарлар, агломерациялар ва бошқа худудий тизимлар формасининг вужудга келиши, ривожланиши, шаҳарсозлик масалалари ва муаммоларини ўргатишдир. Шу жиҳатдан мазкур ўқув кўланмада дунё шаҳарлари географияси мажмуали ва илмий ҳулосалар асосида таҳлил этилган.

Дунё шаҳарлари географиясини ўрганишда Осиё, Европа, Америка, Африка, Австралия китъалари шаҳарларининг пайдо бўлиши, ривожланиши, аҳоли сони ва таркиби, аҳолисининг табиий ўсиши, миграцияси ҳақида маълумотлар берилган. Шунингдек, муаллиф илмий тадқиқотида асосий эътибор йирик шаҳарлар, миллионер шаҳарлар, уларнинг функциялари, аҳолисон сонининг ўсиши, миграцияси интенсивлиги ва бошқа масалалар илмий таҳлил қилинган.

Дунёда илк шаҳарларнинг пайдо бўлиши эрамыздан олдинги III. II минг йилликларда Месопотамия, Миср, Хиндистон ва Хитойда бўлган. Бу шаҳарларда авваламбор хунарамандчилик ва савдо марказлари вужудга келган. Кейинчалик шаҳарларда шаҳарни бошқарадиган мамурият, сиёсий ҳокимият маркази пайдо бўлди. Бу даврларда энг катта шаҳарлар йирик давлатларнинг пойтахти бўлган. Дунё шаҳарларининг ўсиши феодализм даврида X-XI асрларга тўғри келади.

А.С.Солиев таъбири билан айтганда, шаҳарларнинг ривожланиши (урбанизация) кўп жиҳатдан хозирги фан-техника

инженерини ва умумин ижтимоий тараккиёт такозо этилган муаммолар жорийини ҳисобланади. Бу конуний ва объектив жараён бўлиб, ижтимоий тузумидан катъий назар барча мамлакатларда ҳосил. Бирок ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда бу мураккаб ижтимоий-иқтисодий жараённинг суръати ва йўналишлари, омиллари ва оқибатлари, шунингдек, уни йилларга мувофиқ йўналтириб режалаштириш ҳамда бошқариш имкониятлари турлича бўлади. Ривожланган мамлакатлар шартинида шаҳарларни режалаштириш ривожлантириш учун барча имкониятлар мажмуа (Солиев, 1991).

Дунёда хозирги вақтда шаҳарларнинг кенгайиши ва ривожланиши туфайли шаҳар аҳоли пунктлари бир-бирига қўшилиб, шаҳар агломерациялари кўпайиб бормоқда. БМТнинг еттинчи маълумотларига кўра, дунёда 500 га яқин агломерациялар вужуд бўлиб, уларнинг ҳар бирига камида 1 млн. дан аҳоли тўғри келади. Дунёнинг 6 та мамлакатининг ҳар бирида 10 тадан ортиқ агломерациялар жойлашган. Бу мамлакатларга Хитой (100), АҚШ (48), Хиндистон (48), Бразилия (24), Россия (20), Мексика (15) киради.

Муаллиф ўқув кўланма юзасидан ўз фикр ва мулоҳазаларини билдириб, маъсул муҳаррир СамДУ Ижтимоий-иқтисодий география кафедраси профессори А.Абдулқосимовга, тақризчилар Исламий-иқтисодий география кафедраси доценти Т.Жумабоевга, Исламий-иқтисодий кафедраси доценти И.Нематовга ўз ташаккурларинингни билдиради.